



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 18 октябр, чоршанба №153 (985)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

**Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезер 17 октябр кuni Президент Ислоҳ Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдонини зиёрат қилди ва Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар қўйди.**

Туркиялик олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилди. Бу ерда Туркия Президентига буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг давлати ва темурийлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Туркия Президенти музей зиёрати сўнггида фахрий меҳмонлар китобига дастхат битар экан, журналистларга Ўзбекистонга сафари жуда самарали кечганини айтди: — Музокаралар чо-

ғида муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон томони билан фикрларимиз бир хил эканлиги намойиш бўлди, - деди у. — Мавжуд муаммоларнинг барчаси ҳал этилди, дейиш мумкин.

Шу билан Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов кузатиб қолди. Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари журналистларни қизиқтирган са-

волларга жавоб қайтарди.

— Туркия билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш катта аҳамиятга эга, - деди Ислоҳ Каримов. — Зеро, Туркия ҳарбий жиҳатдан қудратли давлат бўлиши билан бир қаторда, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорчиликка қарши курашда бой тажрибага эга. Аҳмет Сезер билан музокараларда фақатгина бу масала билан чекланиб қолмаганимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Биз икки томонлама муносабатларга доир кўплаб масалаларни кўриб чиқдик. Уйлайманки, ўтказилган музокаралар ва қабул қилинган ҳужжатлар яқин орада ўз самарасини бера бошлайди. (ЎЗА).



### Касаба уюшмалари бозор шароитида

**Меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалаш, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда жамоа шартномалари ва тармоқ битимлари асосий ҳужжат ҳисобланади. Бундан келиб чиққан ҳолда савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кўмитаси жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишига алоҳида эътибор қаратмоқда.**

— «Соғлом авлод йили» да тузилган жамоа шартномаларида аёллар ва уларнинг фарзандларини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш ҳамда соғломлаштириш масалалари фаолиятимизнинг бош мезонини ташкил этмоқда, - деди «Туркистон-пресс» муҳбирига вилоят тармоқ кўмитаси раиси Урайимжон Сайдаматов. — Ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш мақсадида уларга қўшимча бандлар киритилиб, иш шартларини камайтириш ва оилалик маошларини оши-

ришлар давом эттирилмаётган. Корхона ишчи-ҳодимларига тушлик овқат ва моддий ёрдам учун бир ярим миллион сўмдан ортиқ, меҳнат муҳофазасига эса 753 минг сўм сарфланганини касаба уюшмасининг жамоадаги ўрнини яққол кўрсатиб турибди.

Яқинда Олтиариқ туманида тизим меҳнатқашларининг 30 нафар фарзандларига хатна тўйлари ўтказилди. Бундан ташқари, жамоа шартномаларига мувофиқ, тармоқ корхона ва ташилотларида ишчи-хизматчи-

### ТАРМОҚ БИТИМЛАРИ — МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

ришга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, тармоқнинг кам таъминланган, кўп болалаи ёрдамга муҳтож ходимлари, ноғиронларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда ушбу жамоа шартномалари муҳим ўрин тутаётган.

Шунингдек, ишчи-ҳодимларнинг маданий-маърифий ҳордиқ чиқаришлари ҳам касаба уюшмаларининг диққат марказидан ўрин олган. Хусусан, вилоят «Матлуботсавдо», «Фарғонасавдо» ҳиссадорлик компаниялари билан биргаликда тузилган битимларга мувофиқ маданий тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, уларга нафақага чиққан ходимлар, меҳнат фахрийлари ҳам тақлиф этилмоқдалар.

Жорий йилнинг олти ойлик якунига кўра биргина Риштон туманида тармоқ меҳнатқашларини маданий дам олдириш ва меҳнат муҳофазаси учун 500 минг сўмга яқин маблағ сарфланди.

Кува қандолат фабрикасида эса 26 нафар ишчи-хизматчи 100 минг сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари Бухоро ва Хива шаҳарларида саёҳат уюштириш мақсадида 240 минг сўм маблағ сарфланди.

Аҳолини иш билан таъминлаш учун 80 та янги иш ўринлари яратилиб, 200 нафарга яқин кишининг ҳолати чиқарилди. Вилоятдаги «Саховат» савдо ишлаб чиқариш корхонасида олти ой мобайлида ходимлар манфаати учун 300 минг сўм, Қирғили савдо ишлаб чиқариш корхонасида меҳнатқашларнинг тушлик овқатлари учун 850 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланганлиги кўвончли ҳолдир.

Касаба уюшмалари эътибордан кўмакталаб оила-лар фарзандларининг сунат тўйларини ўтказишда ёрдамлаштириш, тўй ва марракаларда хайрия ёрдамлари кўрсатиш масалалари ҳам четда қолмаётган. Хусусан, Фурқат туманида тизим меҳнатқашларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 3 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилганлигини таъкидлаб ўтмоқ лозим.

«Ўлсавдо» ишлаб чиқариш корхонасида ҳам юқоридоғи каби савобли

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда айрим корхона ва ташилотларда хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Уларда жамоа шартномаларига етарли эътибор берилмай, маблағ тақислиги баҳона қилинган ҳолда шартноманинг баъзи бандлари бажарилмай қолаётган. Ойлик маошларини ўз вақтида бермаслик ёхуд пул ўрнига махсулот бериш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бошланғич касаларнинг тушлик овқатлари учун 850 минг сўмдан зиёд таркибига кирувчи хусусий дўкон ва фирмалар билан алоқаларни яқши йўлга қўйманлиги боис, уларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси масаласи оқсаб келаётган.

Ушбу масалалар вилоят тармоқ касаба уюшма кўмитасининг жамоа шартномалари бажарилишининг ярим йиллик якунига бағишланган йиғилишида кўриб чиқилиб, тегишли мутасаддиларга мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берилди.

«Туркистон-пресс»

### МИШАРИФ ОТАНИНГ МАКТАБИ

Шахрихон тумандаги Таит маҳалласида истиқомат қилувчи фермерлик билан шуғулланаётган Мишариф ота Жўраев ўсиб келаётган ёш авлод учун 3,5 миллион сўм маблағ сарфлаб 100 ўринли янги мактаб биносини қуриб берди.

Маҳаллий қурувчилар қирқ кун деғанда мактаб биносини фойдаланишга топширдилар. Қўли кадоқ қишлоқ деҳқони бўлмиш Мишариф отанинг бу савобли ишидан хабар топган узоқ-яқин дўстлари, ҳамқишлоқлари, қўшни вилоятлардан келган кадрдонлари янги мактаб биносининг очилиш маросимига қатнашиб, отага совғалар тақдим этдилар. Мишариф ота эса барча совғаларни ҳам мактаб жамоасига, қишлоқ болаларига ҳада қилди.

### Газета саҳифаланаётганда:

### 1:8. БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН

Ливан стадионларида бўлиб ўтаётган китъа кубоги бахсларида қатнашаётган вакилларимизнинг гуруҳдаги иккинчи учрашуви футболчиларимиз учун осон кечмаслиги муҳим мутахассислар томонидан эътироф этилган эди. Тўғриси, Катар терма жамоаси билан ўтган биринчи учрашувда Миржалол Қосимовнинг маҳорати тўғрисидаги аранг дуранга эришган терма жамоамизни кейинги учрашувларда жонлироқ ўйин кўрсатишига умид қилгандик. Бирок, 1:8 ҳисобидаги шармандала мағлубиятни ҳеч қим қутмагани. Минг афсуски, умидлар пучга чиқди, футболчиларимизнинг жисмоний, тактик ва техник жиҳатдан етарли тайёргарликка эга эмаслиги, жамоавий ўйин шаклланмаганлиги аён бўлиб қолди. Кунчиқар юрт футболчилари вакилларимиздан ҳар жиҳатдан устуңлик қилдилар. Нима ҳам дердик, бу мағлубият мамлакатимиз футболчи мутасаддилари учун аччиқ сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Э. ЭРИНОВ.

### Ёшлар масаласида янгича ёндошув

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари кўмитасида ёш авлод ҳаёти билан боғлиқ қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижросини ўргатиш ва таҳлил қилиш бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлди. Унда кўмига аъзолари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди. Йиғилишни мазкур кўмига раиси, ишчи гуруҳ раҳбари Азамат Зиё бошқарди.

Таъкидланганидек, тўққиз йил аввал қабул қилинган «Ўзбекистон

### ИШЧИ ГУРУҲ ЙИҒИЛИШИ

Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорини жамият манфаатлари йўлида имкон борича тўла-тўқис рўйбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қарорлашдан иборатдир. Ушбу Қонун қабул қилингандан буён ўтган давр мобайнида мамлака-

тимиз ҳаётининг барча соҳаларида кўпдан-кўп ўзгаришлар юз берди, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилувчи талай янги қонунлар қабул қилинди. Энг муҳими, келажакимиз бўлган ёшларнинг дунёқараши, жамиятдаги ўрни масалаларида ҳам янгича ёндошувлар пайдо бўлди. Қолаверса, янги давр ва янги вазифалар ёшларимизга ҳам катта масъулият юклатмоқда.

Сўзга чиққанлар амалдаги Қонуннинг муҳим сиёсий-иқтимоий аҳамияти, ёшлар тарбиясида туганган муҳим ўрнини алоҳида қайд этиш билан бирга, бугунги кунда ушбу ҳужжатни қайта кўриб чиқиш, хусусан, ўтган йиллар давомида республикада рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда унинг янги тахририни тайёрлаш зарурлигини таъкидлади. Янги тахрирдаги Қонун лойиҳасини яратишга кенг жамоатчиликни, айниқса ёшларни жалб қилиш лозимлиги айтиб ўтилди. (ЎЗА).

### Ўзбекистон Бадий академиясида «Болажонлар-ширинтойлар» республика болалар либоси фестивалининг финал босқичини ўтказиш бўйича ташкилий кўмига йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Дилбар Гуломов бошқарди. Йиғилишда мода фестивалининг якуний босқичини ўтказишга тайёргарлик ишлари қандай кетаётгани тўғрисидаги ахборот тингланди.

«Болажонлар-ширинтойлар» республика болалар либоси фестивали мамлакатимизда биринчи марта ўтказилаётган бўлиб, унда юртимизнинг энг таниқли дизайнерлари иштирок этди. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичлари жорий йилнинг июль-август ойларида бўлиб ўтди. Биринчи босқичда ҳар бир иштирокчи танлов ҳайъатига моделларнинг эскизлари, яъни чизмаларини тақдим этди.

Бу босқичдан муваффақиятлар ўтган иштирокчилар иккинчи босқичда ўзларининг кийим тўпламларини намойиш қилди. Фестивалнинг финал қисми 3 ноябр кuni Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида ўтказилди. Финалга чиқишга муваффақ бўлган иштирокчилар болалар, мактаб ҳамда коллеж ўқувчилари учун мўлжалланган кийим-кечакларнинг янги моделларини намойиш

этишлари зарур. Мавзуга бабали фестивалда дизайнерларимиз яратган бири-биридан бежирим кийим-кечаклар намойиш этилади. Бу — бизнинг асосий мақсадларимиздан бири. Аммо фестивалдан кўзланган бошқа мақсадлар ҳам бор. Илгари бу каби йиллик иختисослашган танловлар мамлакатимиз ҳудудида умуман ўтказилмаган, ўтказилганлари ҳам қандайдир бир шаҳар ёхуд туман миқёсида қилиб кетган. «Болажонлар-ширинтойлар» фестивалида эса Ўзбекистоннинг энг илгор ва энг тажрибали дизайнерлари, тўқимачилик соҳасида фаолият юритувчи корхона ва жамоалар ҳам қатнашди. Уларни бир жой-

га тўплаганимизда дизайнерлик ишидаги ютуқ ва камчиликларимизга назар ташлаш имконияти пайдо бўлади. Фестивал уларнинг салоҳиятини бирлаштириш ва уни аниқ бир мақсадга йўналтиришга ҳам ёрдам беришига шубҳа йўқ. Келажакда «Болажонлар-ширинтойлар» болалар либоси фестивали анъанавий бўлиб қолади. Бундан ташқари, кейинги йилдан танловга хорижий мутахассисларни ҳам тақлиф қилиб, уни халқаро фестиваллар даражасига кўтариш ниятидмиз. Бобур СОБИРОВ (ЎЗА).

### СОҒЛОМ ВА ГЎЗАЛ БЎЛИШСИН

этишлари зарур. Мавзуга бабали фестивалда дизайнерларимиз яратган бири-биридан бежирим кийим-кечаклар намойиш этилади. Бу — бизнинг асосий мақсадларимиздан бири. Аммо фестивалдан кўзланган бошқа мақсадлар ҳам бор. Илгари бу каби йиллик иختисослашган танловлар мамлакатимиз ҳудудида умуман ўтказилмаган, ўтказилганлари ҳам қандайдир бир шаҳар ёхуд туман миқёсида қилиб кетган. «Болажонлар-ширинтойлар» фестивалида эса Ўзбекистоннинг энг илгор ва энг тажрибали дизайнерлари, тўқимачилик соҳасида фаолият юритувчи корхона ва жамоалар ҳам қатнашди. Уларни бир жой-

га тўплаганимизда дизайнерлик ишидаги ютуқ ва камчиликларимизга назар ташлаш имконияти пайдо бўлади. Фестивал уларнинг салоҳиятини бирлаштириш ва уни аниқ бир мақсадга йўналтиришга ҳам ёрдам беришига шубҳа йўқ. Келажакда «Болажонлар-ширинтойлар» болалар либоси фестивали анъанавий бўлиб қолади. Бундан ташқари, кейинги йилдан танловга хорижий мутахассисларни ҳам тақлиф қилиб, уни халқаро фестиваллар даражасига кўтариш ниятидмиз. Бобур СОБИРОВ (ЎЗА).

этишлари зарур. Мавзуга бабали фестивалда дизайнерларимиз яратган бири-биридан бежирим кийим-кечаклар намойиш этилади. Бу — бизнинг асосий мақсадларимиздан бири. Аммо фестивалдан кўзланган бошқа мақсадлар ҳам бор. Илгари бу каби йиллик иختисослашган танловлар мамлакатимиз ҳудудида умуман ўтказилмаган, ўтказилганлари ҳам қандайдир бир шаҳар ёхуд туман миқёсида қилиб кетган. «Болажонлар-ширинтойлар» фестивалида эса Ўзбекистоннинг энг илгор ва энг тажрибали дизайнерлари, тўқимачилик соҳасида фаолият юритувчи корхона ва жамоалар ҳам қатнашди. Уларни бир жой-

га тўплаганимизда дизайнерлик ишидаги ютуқ ва камчиликларимизга назар ташлаш имконияти пайдо бўлади. Фестивал уларнинг салоҳиятини бирлаштириш ва уни аниқ бир мақсадга йўналтиришга ҳам ёрдам беришига шубҳа йўқ. Келажакда «Болажонлар-ширинтойлар» болалар либоси фестивали анъанавий бўлиб қолади. Бундан ташқари, кейинги йилдан танловга хорижий мутахассисларни ҳам тақлиф қилиб, уни халқаро фестиваллар даражасига кўтариш ниятидмиз. Бобур СОБИРОВ (ЎЗА).

### ЎЗ ГАЗЕТАНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Тахририятимизнинг кўчага қараган хоналарида кунда бўлмаса-да, кунора жонланиш кузатилади. Тахминан соат тўққиз ярим-ўнларда йўлнинг нариги томонида жойлашган нашрлар дўконига бир йигит келади-да, газета сотиб олади ва сабри чидамайми ёки шунга одатланиб қолганиданми, айнан тахририят рўпарасида, тик турган кўйи саҳифаларни кўздан кечира бошлайди. Қизиқроқ мақола топса, шу жойдаёқ ўқиб чиқади. Табиийки, у қандай нашр эканлигини билгимиз келади. Нигоҳимиз таниш номга тушади ва беихтиёр тахририятимизга келаётган хатлар кўз ўнгимиздан ўтади. Таклифлар, истаклар, миннатдорчилик сўзлари...

Шундан кейин ҳам томошабин бўлиб туринг-чи! Бежизга матбуотни омма билан турли идора ва ташилотлар ўртасида турган беиминнат дастёр дейишмайди. «ИШОНЧ» ва «ИШОНЧ-Доверие» ана шундай ҳолис хизмат учун доимо қўлини қўқсига қўйиб турган газеталар сирасидан эканлигини эса, муҳтарам муштарийларимиз, ўз тажрибаларидан яхши билишади. Зотан, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Азиз муштарийлар! Мазмун-моҳиятига кўра халқнинг юрагига қулоқ тутиб, Сизнинг орузумидларингиз, хоҳиш-иродангизни ифода этишга ҳамisha тайёр турган ишончли ҳамроҳингизга камарбаста бўласиз, деган умиддамиз.

Едингизда тутинг: «ИШОНЧ» ва «ИШОНЧ-Доверие» - Сизнинг газетангиз ва ҳамisha, ҳар вақт Сизнинг манфаатингизни ҳимоя қилади.

Обуна - 2001

### Матбуот сўзининг таъсирчанлиги

### «ИШОНЧ» ЁРДАМ БЕРДИ

олиб туради. Мен танқид келажак меваси эканлигига яна бир бор ишондим.

Икром ЁКУБОВ:

— Газетада танқидий мақола босилгандан кейин, сихатгоҳга бош шифокор этиб тайинландим. Ҳиссадорлик жамияти томонидан берилган моддий ёрдам туфайли сихатгоҳни таъмирдан чиқаряпмиз. Даволанувчилар учун шароитларни яхшилаш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланяпмиз. Агар даволанганини истасанлар нақд пул тўлай олмасалар — эвазига мева ёки сазваот, полиз маҳсулотлари ва сихатгоҳга зарур бўлган жиҳозлар топширишлари ҳам мумкин.

Латиф БОБОЖОНОВ:

— Боғот туманидаги Дўсов номли ширкат хўжалиги азъосиман. Икки йилдан буён шу ерда даволанаман. Бу йил шароитлар анча яхшиланибди. Менга, айниқса, шифобахш суви ёқди. 800 метр ер қаъридан 50 даража иссиқликда қайтабган бром, хлор ва бошқа минералларга тўйинган сувдан шифо топяпман. Сихатгоҳдаги шароитларнинг яхшиланишига туртки берган газетаси раҳмат, дейман.

Э. ЭРИНОВ.

## Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлиги ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АЁЛЛАРИМИЗ ИЗМИДА

Маълумки, собиқ иттифок даврида ишлаб чиқаришда асосан сон кетидан қувилиб, сифат иккинчи даражага тушиб қолганди. Шу боисдан ҳам аҳоли импорт молларини сотиб олишга ҳаракат қилган. Бунинг бош сабабларидан бири халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган дастгоҳ, асбоб-ускуналарнинг эскириб кетганлигида эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқибатда иқтисодиётимизда тув ўзгаришлар ясашга замин яратила бошланди. Бунда тараққий этган давлатлар билан турли соҳалардаги ҳамкорлик республикамиз техник ва иқтисодий имкониятларини кенгайтирди. Чет эл сармоялари учун юртимизга кенг йўл очилди. Буни биргина Шофиркон тумани марказида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигини «Вардонве» қўшма корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Корхонада асосан эркаклар кўйлаги ва пайпоғи ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлар сифатининг қай даражада эканлигини уларнинг харидорларини ва буюртманинг кўпчилигини ҳам билса бўлади. Чунки улар Япония, Англия, Италия ва Туркия каби мамлакатлар тамғасида чиқарилган энг замонавий дастгоҳ ҳамда линиялар маҳсулдир. Хомашё ҳозирча Туркиядан келтириляпти. — Кишлоқ жойларда саноят корхоналари кўпайётган, илгор технологиялар жорий этиляётганининг асосий сабаби хорижлик шериклар билан ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асоснинг то-

дира Файзиёва, Олима Раҳимова, Райхон Мўминова, Муқаддас Хотамова ва Райхон Азизова сингариларнинг улуши таҳсинга лойиқдир...

Дарвоқе, айни пайтда корхонада 122 нафар киши иш билан банд. Уларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳадемай цехлар кенгайтирилиши эвазига яна 30 нафар аёл ишли бўлади.

Яна бир жиҳатни таъкидлаш жоиз, у ҳам бўлса, вилоят ҳудудидан нарига чиқмаган хотин-қизларимиздан 10 нафари довуғли чет эл давлатларида ўқиб, касб-малакаларини ошириб қайтидилар. Яна 15 нафар чеварнинг Туркияга бориши режалаштирилган.

Қисқа қилиб айтганда, мазкур қўшма корхонада руй бераётган ижобий ўзгаришлар Ўзбекистон-Туркия ўртасида тобора кенгайиб бораётган иқтисодий ҳамкорликдан бир нишона, холос. Шубҳа йўқки, бундай ўзаро алоқалар янада сайқаллашиб, раванқ топаверади.

Абдунаби МАННОПОВ,  
Усмон НАВРЎЗ,  
«Ишонч» мухбирлари.

## Тажриба, ташаббус

«Ўздунробита» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Сурхондарё вилоят бўлими ишчи-хизматчиларининг самарали меҳнати-ни таъкидламоқ лозим. Иш фаолиятини 1997 йили бошлаган ушбу жамоа қисқа вақтда вилоятнинг қарийб барча шаҳар ва туманларида уяли алоқа тармоғи хизматини жорий этди.

Яқинда эса Американинг «Теллис» компаниясининг техник жиҳозлари олиб келиниб, Денов туманига ўрнатилди. Бу билан абонентлар сони яна 300 тага кўпайди. Шунингдек, Музработ туманига ҳам янги станция ўрнатилиши режалаштирилган.

Сурхондарёликларга намунали алоқа хизмати жорий этилган «Ўздунробита»нинг Сурхондарё бўлими ходимлари меҳнати

маъмурият ва бошланғич касаб уюшма кўмитаси томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда. Бунга асосан қабул қилинган жамоа шартномаси кўл келмоқда.

Ишчи-хизматчилар ойлик вақтида олишяпти. Ишга келиб-кейтишлари учун «Дамас» енгил автомобили улар хизматида. Ҳар чоракда бир ойлик иш ҳақи миқдоридан мукофот-пулли берилади. Тушли оқват корхона ҳисобидан. Мабодо, ходимларда олиш ва байрам қўнла-

## ДАМ ОЛИШНИ ҲАМ БИЛАЙЛИК

ри ишда навбатчилик қилса, унга икки ярим баробар ҳақ тўланади. Уч маҳал иссиқ оқват эса бепул. Ҳаммалари маҳсул кийим-бош билан таъминланишган.

Ҳар бир киши қатъий жадвал асосида вақтида меҳнат таътилга чиқади. Ҳатто, 5 иш кунидан иборат пул тўланадиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Шу билан бирга тўлиқ қилаётганларга бир ойлик иш ҳақи миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилади. Янги оила қурадиган ишчи-хизматчиларга қимматбахо соғвалар ва 15 кунлик пуллик таътил берилди. Бу хайрли ишлар

уларнинг оиласида фарзанд туғилганида ҳам, янги уйга кўчиб киришганда ҳам амалга оширилади.

Инсон меҳнатига яраша дам ҳам олмоғи керак, - дейди Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Сурхондарё бўлими бошланғич каласа уюшма кўмитаси раиси Нурмамет Бобоев. — Бу борадаги жамоа шартномамизнинг ҳар бир бандини тўла-тўқис бажарилишига эришяпти. Масалан, Карим Шукуров «Ботаника», Гуля Салимова «Чинобод», жамоамизнинг яна 12 нафар аъзоси вилоятимиздаги «Жайронхо-

на», «Сурхон» каби сифатгоҳларда бепул дам олиб, даволашниди. Кексалар инсонга зарур пайтда ёрдам бера олиш катта савоб, дейишарди. Ишчи Г. Салимова бетоб бўлиб операция қилинди. Унга ёрдам сифатида вилоят шифохонасига керакли маблағни ўтказдик.

Ҳар йили қадим Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларида саёхатлар уштирамыз. Хуллас, ишчиларнинг кайфияти доимо аъло бўлиши учун ҳаракат қилаяпти.

Д. РУСТАМОВ.



## Муаммо кўндаланг қўйилади

### ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

#### хўжақўрсинга тузилган жойда

Хоразм вилояти қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаб уюшмаси кўмитаси ҳисобида 2,5 минг нафар аъзо бор. Кўмитага кўп йиллардан бўён Рўзимбой Ҳайитов раҳбар. Мазкур ташкилот «Хоразмқурилиш» ҳиссасдорлик жамияти, Урганч, Қўшқўпир силликат-ғишт заводлари ишчи-хизматчиларини ҳам ўзига бирлаштирган.

Кўмида меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалашга етарли эътибор берилаяпти. Шу йилнинг тўққиз ойида меҳнаткашларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга 1 миллион 665 минг сўм сарфланди. Урганч силликат-ғишт заводидида маъмурият томонидан ишчи-хизматчилар фарзандларининг суннат ва никоҳ тўйларини ўтказиш аънаъга айланган. Кўмида томонидан касаб уюшма ташкилотларига ишловчиларни саёхатларга олиб бориш учун 115 минг сўм ажратилди.

Шу билан бирга тармоқ кўмитасида муаммолар, камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Масалан, унинг тасарруфидаги 2 та касб-ҳунар мактаби касаб уюшмасида жамоа шартномалари тузилмаган. Жамоа шартномаси тузилган 12 та корхонада эса шартлар тўла бажарилмаяпти. Иш ҳақи вақтида берилмайди. Шу йилнинг июл ойида қорхоналарнинг меҳнаткашлар ойлик маошидан қарзи 17 миллион 701 минг сўмини ташкил қилди. Бу ташкилотларда маош 4 ой кечикиш билан берилмоқда. Бунинг сабабини кўмида раиси Р.Ҳайитовдан сўраганимизда:

— Гоҳида мутасадди ташкилотлар топшириғи билан иншоотлар қурилади. Буюртмачиларда эса етарли маблағ бўлмайди. Натижада улар қурилиш ташкилотларидан, ташкилотлар эса ишчилардан қарздор бўлиб қолади, - деб жавоб берди.

Яна бир мисол. Урганч силликат-ғишт заводидида ягона тариф жадвалининг бошланғич разряди жамоа шартномасида белгиланганидан 1,5 маротаба оширилмасдан иш ҳақи берилмоқда. Бунда 1996 йилда тасдиқланган ягона тариф жадвалининг коэффицентлари ҳанузгача қўлланилмоқда. Бунинг устига меҳнаткашларга тармоқ битимида қўрсатилган меҳнат стажига боғлиқ қўшимча таътил ҳам берилмаяпти.

Жамоа шартномасида белгиланганидек, маъмурият томонидан касаб уюшма ҳисоб рақамига жисмоний тарбия, спорт ишларини ривожлантириш ва маданий оммавий тадбирлар ўтказиш учун иш ҳақи жамғармасидан муайян миқдорда маблағ ўтказилиши лозим эди. Аммо бу банд ҳам бажарилмади. Бундан ташқари, ҳиссасдорлик жамияти тармоқ касаб уюшма кўмитасидан катта миқдорда қарз.

Тармоқ касаб уюшмаси кўмитасининг асосий вазифаларидан бири ишчи-хизматчилар маошларини вақтида олишини назорат қилишдир. Лекин у бу муҳим масалага панжа орасидан қараб келмоқда. Кўмитанинг 2000 йилги иш режасига киритилган бўлишига қарамайдан, иш ҳақи масаласи иш берувчилар билан бирон марта ҳам муҳокама қилинмаган. Хуллас, жамоа шартномалари хўжақўрсинга тузилмасдан, балки меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этишга тўла йўналтирилгандагина қутилган натижада бериши мумкин.

Эркин ЭРАТОВ,  
«Ишонч» мухбири.

## «ГУЛМИРДЕРИ» МАҲСУЛОТЛАРИ ҚЎЛМА-ҚЎЛ

Республикамизда мустақилликка эришгандан сўнг, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг меҳнатсевар ва меҳмондўстлиги сабаби хорижликларнинг юртимизга қизиқиши йил сайин ортиб бораёттир. Улар ўз сармоялари ҳисобига қатор қўшма корхоналар, фирмалар қуришмоқда. Айрим қўшма корхоналар эса республикамиздаги ишбилармонлар билан биргаликда барпо этиляпти.

«Гулмирдери» ўзбек-турк қўшма корхонаси Ўзбекистон нефть саноати бошқаруви ва Туркиянинг «Итако» фирмаси ҳамкорлигида бунёд этилди. Қўшма корхонада эчки териларини қайта ишлаб, ундан камзул, куртка, бош кийим каби чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу корхонанинг Куйи Чирчиқ туманидаги бўлими 1997 йилда ташкил этилган эди. Бир йилда 600.000 дона терини қайта ишлашга мўлжалланган ушбу жамоада бугунги кунда 56 нафар ходим меҳнат қилмоқда.

Маҳсулотларимиз нафақат Ўзбекистонликлар, шу жумладан, хорижликлар ҳам манзур бўляпти, - дейди филиал раҳбари Абдурашид Мирзахмедов. — Жумладан, Россия Федерациясидаги ишбилармонлар келиб, ўн миллион дона тери сотиб олиш ҳақида

шартнома тузиб кетишди. Ҳозир шу буюртмани тайёрлаяпти. Бу ишда ишчиларимиздан Борис Пянков, Адолат Сулаймонова, Ойдиной Солиева, Татьяна Куприева, Мария Стивенлар алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ойлик маошлар вақтида берилаяпти. Тайёрланаётган маҳсулотлар сифати буюртмачиларни қониқтираяпти. Айни пайтда Саудия Арабистонидан келган вакиллар ҳам қўшма корхона билан шартнома тузишмоқчи.

Корхонада бўш иш ўринлари ҳам мавжуд. Шу сабаб куйи чирчиқлик ёшлар бу ерда касб сирларини ўрганмоқдалар. — Корхонамиз раҳбарлари унумли меҳнат қилишимиз учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилмоқда, - дейди ишчи Ойдиной Солиева. — Яхши ишлаётганларга мукофот тариқасида чармдан тикилган кийим-кечаклар ҳам берилди. Моддий манфаатдорлик ортгани сайин иш унуми ҳам юқори бўляпти.

Ҳа, қардош туркийлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик яхши натижалар берапти. «Гулмирдери» маҳсулотларига талаб ортмоқда.

М. МИРКАМОЛОВА,  
М. РИСБОВА.

Мирзачўл далаларида ўзгача рух, кайфият ҳукмрон. Бугун барча ўзини пахтакорга мададкор деб билмоқда. Маррага тезроқ етиш иштиёқида ёнаётган жамоалар сафи кенгайиб бораёпти. Хусусан, Ховсё тумани «Туркистон» ширкатлар уюшмасидаги Ойимжон Норматова бошлиқ оилавий пудратчилар звеноси пахтакорлар бир иш кунини пахта тайёрлаш режасини бажарди.

## ПУДРАТ - КУДРАТ

— Оиламиз билан 5 гектар майдонни ижарага олганмиз, - дейди Ойимжон опа. - Бир кунда 6 тоннадан ошиқ пахта териб шартнома режасини бажардик. Иш ҳақимиз 85 миң сўмдан ошди. Хали далада ҳосил бор. Янги хирмонни 10 тоннага етказамиз. Умумий даромадимизни хом-чўт қилганимизда қарийб бир миллион сўмини ташкил этаркан.

Мирзаобод туман хўжаликлари пахта далаларида минглаб чевар теримчилар, ҳашарчилар эгاتларда маржондек сочилган оқ олинни териб олишяпти. Уларга етарли шартшароит яратилган. Туманинг Т.Аҳмедов номи дехқон фермерлар бирлашмаси далаларида пахта тераётган ҳашарчилар ҳузурда бўлганда, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

— Ҳашарчилар кунига 6-7 тонна сифатли пахта териб беришяпти, - дейди ҳисобчи Илҳом Элтоев. — Териб олинган ҳосил пещма-пеш қабул пунктларига жўнатилмоқда. **С.ЮСУПОВ.**

Бу йил ҳам Касби тумани Шароф Рашидов номидаги кооператив ширкат хўжалиғи пахтакорлари Қашқадарё вилоятда биринчилар қаторида зафар марфасини забт этдилар. Терилган пахтага пулнинг вақтида тўлиниши, илғорлар муносиб рағбатлантириб берилгани муваффақият омили бўлди.

Суратда: хўжалик бош ҳосилоти Сафар Шарипов мавсум пешқадмларига мукофот топширяпти.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

## Ҳақ - ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик!

Ушбу мақолада «Челак пахта заводи» очик турдаги ҳиссасдорлик жамиятининг ҳозирги раҳбариятининг танқид қилишдан йироқми. Лекин қонун бузилишининг ҳар қандай ҳолатларига барҳам бериш ҳусусида сўз юритмоқ фарздор. Токи инсоннинг меҳнат ҳуқуқлари поймол қилиниши бошқа тақдорланмасин.

Мазкур ҳиссасдорлик жамиятига қарашли «Ўзбекистон» пахта қабул қилиш пунктининг собиқ мудири Фулом Абдуғаниевнинг тахририятга ёзган шикоят хатини ўрганар эканмиз, у киши атайлаб ишсиз қолдирилган, деган мулоҳазасига эришдик. Энди воқеа тафсилотларини баён этсак.

Роппа - роса уч йил муқаддам «Ўзбекистон» пахта пункти жамоасининг умумий йиғилишида мудири Ф.Абдуғаниевнинг шахсий масаласи кўрилиб, у ишни ташкил қила олмаётганлиги, пунктга пахта топшириш камайганлигида айбланган. Йиғилиш иштирокчилари уни лавозимидан озод қилишни талаб қилган. Лекин ҳиссасдорлик жамияти раҳбарияти бу масала бўйича ҳеч қандай чора кўрмаган. Кишини йўналтирадиган томони шунки, Челак туманида пахта етиштириш камайганли-

## КАСАБАҚЎМ ФИРРОМ ЙЎЛНИ ҚЎЛЛАДИ...

рўяхатини бериш» деб ёзилган. Фиркимизча, маъмурият бу ҳақда ўз тақлифини билдириши ва касабқўмнинг розилигини олиши шарт эди. Қисқаси, касабқўмнинг шу мажлисида 120 та лавозимни қисқартиришга келишиб олинди.

Шундан кейин лавозим қисқартирилиши мўлжалланган ҳодимлар қонунда белгиланган тартибда оғохлантирилди. Лозим эди. Аммо корхона маъмурияти (кадрлар бўлими Ш.Эрмамбетова) шундай ҳужжат усулларини бизга тақдим этолмади. Бундай вазиятда касаб уюшма кўмитаси (раиси Авазхон Ёқубов) маъмуриятнинг ҳаётини қўлатиб қилиниши, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши зарур эмасми?! Афсуски, касабқўм уюшма кўмитаси 1998 йил 5 мартда ушбу масалани муҳокама қилган. Лекин мажлис кун тартибидан неғадир (юқорининг буйруғи асосида) «... лавозимлар жадвални кўриб чиқиш ва қисқартиришга лавозимлар

ма хатлари берилсин», лавозимлари қисқартирилган ишчи ёки хизматчи» 17 апрел 1998 йилдан 2 ой муддатга оғохлантирувчи хат берилиб, икки ой тўлиқ ишлаганларига тўлиқ ойлик маош, ишламаганларга энг кам ойлик миқдори ҳисобида 750 сўмдан тўлаб боришга розилик беради» - деган жумлалар мавжуд. Ушбу баёнотмани битганлар Меҳнат Кодексининг тегишли моддалари талабини билиб қўйишса, фойдадан холи бўлмасди. Чунки, амалдаги қонунда лавозим қисқартирилиши мўлжалланган ҳодим икки ой олдин расман оғохлантирилиши, унга корхонадан бошқа иш тақлиф қилиниши, бундай имконият бўлмаганида бошқа иш излашга шароит яратиш, ходим лавозим қисқартирилган сўнг икки ойлик ўртача ойлик маоши миқдоридан тоvon пули тўлаш шартлиги белгилаб қўйилган. Бунинг устига касабқўм лавозимларни қисқартиришга розилик бериш

ёки бермаслик ҳақида эмас, балки лавозимларни қисқартириш ҳақида қарор қабул қилган.

Ушбу кунгек корхона маъмурияти лавозимларни қисқартириш ҳақида буйруқ чиқарган. Ушбу буйруқда «Ўзбекистон» пахта пункти мудири лавозим қисқартирилганлиги, лекин собиқ мудири Ф.Абдуғаниевни иш билан таъминлаш маъмуриятга юклатилганлиги ёзилган. Лавозим қисқартирилган бўлса-да, собиқ мудирига кейинги ойлари учун 12600 сўм маош тўланган. Аслида эса у ишламаган.

Шундан сўнг Ф.Абдуғаниев турли идораларга ёзма равишда мурожаат қилди. Аммо аҳвол ўзгармади. «Челак пахта заводи» ҳиссасдорлик жамиятининг собиқ раҳбарлари иқтисодий қинғирликлар учун жавобгарликка тортилгандан сўнг умид учқунлари пайдо бўлди. Лекин не ажабки, кадрлар бўлими унинг меҳнат дафтарчасини 2000 йил январигача ўзиди сақлаб турди. Ш.Эрмамбетова ҳеч

бир асоссиз ўзбошимчалик билан Ф.Абдуғаниевнинг меҳнат дафтарчасига унинг ишдан бўшатилганлиги оид ёзувини қайд қилиб қўйди. Яна бир ғалати жойи шундаки, корхонада бўлган кунимиз у турли баҳоналар билан бизга ҳужжатларни танишиш учун тақдим этмади. Фақат корхонанинг янги раҳбари Акбар Нуралиев масаланинг ечими сари илк қадамни қўйди. Мажбурий прогкул даври учун Ф.Абдуғаниевга ҳақ тўлаш ҳақида буйруқ расмийлаштирилди. Собиқ раҳбарият томонидан йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларини бар-тароф этишга келишиб олинди.

Ана шунақа, гат-гат қилган қарнайчи-ю, балога қолган сурнайчи. Ҳар ҳолда, нима бўлсаям, адолатчиликка барҳам берилган, бир инсон тақдирини бефарқлик билан ҳолатига тўлганга иллати хоти-ма товлани айни муддаодир.

Рустам ҚУРБОНОВ,  
«Ишонч» мухбири.

## ИМТИЁЗ

Жондор пахта тозалаш ҳиссасдорлик жамиятида ишчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши муваффақиятларга омили бўляпти. Жумладан, спорт-соғломлаштириш мажмуи барпо этилиб, анжомлар билан жиҳозлан-

ди. Дам олиш хоналари ташкил этилди. Ҳар сме-нада ишчи-хизматчиларни бир маротаба бепул ис-қоқат билан таъминла-ш, турли сифатгоҳларга бериладиган йўлнамалар учун маблағларни бевоси-та касаб уюшмаси ва корхона ҳисобидан тўла-ш йўлга қўйилди.

**Бошланғич ташкилот — кўп ишга қодир**

Абдували Мўминов номли ширкат ҳўжалиги Уйчи туманидагина эмас, балки вилоятда биринчи бўлиб пахта сотиш юзасидан белгиланган йиллик топшириқни адо этди. Бунинг биринчи сабаби ҳўжалигимизда меҳнат кишиси ҳақида ғамхўрлик бош вазифа этиб белгиланганидир.

**ШИЙПОН ЁНИДА ТЕННИС КОРТИ**

Бизда ҳар йили ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан режалар белгиланар экан, биринчи навбатда мўл-кўлчилик бунёдкорларининг унумли ишлари учун шарт-шароит яратиш, дам олиш соҳаларида кўнгилли хордиқ чиқаришларини таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият берилади. Дала шийпонларини чинакамга хордиқ чиқариш масканларига айлантириш Чорасини кўрамыз. Масалан, мавжуд 10 та бригада дала шийпони одатдагидек барвақт таъмирдан чиқариб қўйилди. Барчаси керакли қурилиш, радио шохобчаси, телевизор билан таъминланган. Шийпонлар ёнида спорт майдончаси ва спорт жиҳозлари мавжуд. Далада ишловчилар бу ерда бўш вақтларини турли спорт ўйинлари билан ўтказишга одатланишган. Шу боис

нинг ҳам уддасидан чиқдик. Худудимизда 3 та болалар боғчаси бўлиб, уларнинг талаб даражасида ишлашига эришилмоқда. Жамоамиз аъзолари кўпгина имтиёزلардан баҳраманд бўлишяпти... Боғчаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳўжалигимиз ҳаммаши кўмак бериб келади. Боғларда, сабзавот пайкалларимизда, полиларда етиштирилган маҳсулотлардан ўғил-қизларимиз доимо баҳраманд. 25-болалар боғчаси учун эса барча қулайликларга эга янги бино қуриб берилди.

Ҳўжалик аъзоларининг саломатликларини мустаҳкамлаш масаласи ҳам эътиборда. Масалан, ёзги дам олиш мавсумида 700 нафардан ортқ сучи, механизатор, ишлаб чиқариш илғори вилоят сихатгоҳларида хордиқ чиқарди, республикамизнинг сўлим гўшаларига, қадимий ёдгорликларга: бой Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларига саёхатга бордилар. Бу хайрли тадбир учун салкам бир миллион сўм сарфланди. Ишловчиларимизнинг маънавий камолоти учун ташкил этилаётган кечалар ва кўриқларга шу йилнинг ўзида касаба уюшмалари томонидан 106 минг сўм ажратилди.

**Б. ТУРДИАЛИЕВ,**  
ҳўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси.

**КОРХОНА ЙўЛЛАНМАСИ БИЛАН**

Бугунги кунда магистратура таълими олий ўқув юртининг асосий бўлинига айланиб қолди. Биргина Тошкент Давлат техника университети магистратурасига 46 мутахассислик бўйича 500 дан зиёд талаба ариза топширганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Шулардан 205 нафари тўлов-шартнома асосида ўқимоқда. Бекобод металлургия комбинати йўлланмаси билан қабул қилинган тоғлиби илмлар ҳам анчагина. Улар асосан тоғ-кон менежменти мутахассислиги бўйича таълим олиб, шу соҳанинг етуқ кадрлари бўлиб етишадилар.

Ўзбекистон Металлургия комбинати олий ўқув юрти билан тузган шартномага биноан, бўлажак магистрантларнинг ўқув шароитини яхшилаш учун маблағ ҳамда техника воситаларини ажратди.

**Саломатлигиниз ўз қўлингизда**

Қуз хавоси тез-тез алмашиб туради. Кечалари салқин, эрталаб баданини жунжитирадиган изғирин эсади. Ёмғир ҳам ёғади. Бундай об-ҳаво шароитида шамоллаб қолиш, тумов билан оғриш ёки грипп бўлиш ҳеч гап эмас. Шундай пайтда касалликни оёқ учида ўтказиш ёхуд ўзбилармонларча ҳар хил дори-дармонларни истеймол қилиш хавфли ҳасталиқларга олиб келиши мумкин.

Анжир меваси, қоқшамладаги томоқни юмшатади, иситмани туширади, тер ҳайдаш хусусиятига эга, балғам кўчиради. Тумовнинг бошланиш чоғида бош пиёз ёхуд саримсоқни қирқиб, тез-тез ҳидлаб

**КУЗДА ШАМОЛЛАШ — ХАВФЛИ**

Буюк бобоколонишимиз Абу Али ибн Сино куз табиати тўғрисида: «Куз фаслида одамлар иссиқ оғриққа юриб, кечаси совуққа чиққанларидан мевалар кўпчилигидан ва улар билан хилтлар бузилишидан ҳамда ёзда қувват камайишидан касалликлар кўп бўлади. Куз фаслининг аввали қари одамлар учун бир қадар мувофиқ бўлса ҳам, охири уларга каттиқ зарар қилади. Куз фасли касалликлари қуйидагилар: кўтир, темиртки, саратон ўсмалари, бўгин оғриқлари, аралаш иситмалар ва бошқалар. Буларнинг ҳаммасига сабаб, савдо (қораўт)нинг кўплигидир. Кузда ўлка касалликлари, бел ва сон оғриғи кўпайиб, бунинг сабаби ёзда чиқинди лар ҳаракат қилиб, кузда қисилишидир. Энг яхши куз ёмғирли ва намли қуздир, қуруқ куз энг ёмон қуздир», — деб ёзган эди.

Олимларнинг тадқиқот қилишларича, шамоллаш касаллиги аксаран юқори нафас йўлларининг яллиғланиши бўлиб, унга бурун йўллари яллиғланиши-ринит, ҳиқилдоқ йўлларининг яллиғланиши-фарингит, томоқ яллиғланиши-ларингит ва нафас йўллари яллиғланиши-трахеит ва бронхит кирди. Организмдаги совуқ-иссиққа энг таъсирчан аъзолар, бу оёқ ва юқори нафас йўллари, агар оёқлар совуса, организмда ҳарорат пасайиб, бу юқори нафас йўллари ҳам таъсир қилади, натижада шамоллаш ҳасталиқлари пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам йилнинг салқин-совуқ палларидан авваллабор оёқларни иссиқ туттиш лозим. Одатда тумов

дастлаб акса уриши, томоқ қирлиши, бурун оқиси, лоҳаслик, кайфиятнинг сўниши, бошнинг иштиробли ёки лўқиллаб оғриши билан кечади. Базан тумов, шу жумладан, грипп касаллиги кўп миқдорларининг қирлиб оғриши, мия гангиши, ҳарорат кўтарилиши билан кузатилади ҳам мумкин. Мабодо юқорида кўрсатиб ўтилган касаллик манзараси (аломати) пайдо бўлади-ган бўлса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Биз қуйида киши шамоллаганда, қаттиқ йўтал бўлганда халқ табибати ва ҳозирги замон тиббиёти томонидан тавсия этилаётган ва аксарият уй-шароитида қўлланиладиган айрим содда, турқона ва беозор муолажалар ҳақида маълумот беришни лозим топдик:

Шамоллаганда, қайноқ сутга бир қошиқ сариёғ солиб ичиш ёхуд сутни ичимлик содаси билан (бир пиёла сутга ярим чой қошиқ нисбатда) истеймол қилинса, томоқни юмшатиб, йўтални қолдиришга, балғамни осонлик билан кўчиришга мойиллик яратади.

Орасига сариёғ ёки думба қўйилиб пиширилган беҳи ёки шолғом қуруқ йўталга фойда қилади. 20 грамм майдаланган чилонжийда меваларини ярим чойнақ қайноқ сув билан бир соат давомида дамлаб қўйилади. Дамламадан кунига уч маҳал овқатланишдан олдин 50 гр.дан ичилди. Дамлама юқори нафас йўллари шамоллаганда ижобий натижа бериши билан бирга қуруқ йўталга таскин бериб, балғамнинг осон кўчишига ёрдам қилади.

Шамоллаган кишиларга овқатни иложи борича ошқўкли, сабзавотли, сервитаминли қилиб тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**  
доцент.

**ТИЛГА ИХТИЁР — ЭЛГА ЭЪТИБОР**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат кенгаши «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан «Тилга ихтиёр — элга эътибор» мавзусида илмий-назарий ва амалий анжуман ўтказди.

Тилнинг тириклиги халқнинг мавжудлигидир... Ҳар кишининг ўз исми бўлганидек, ҳар бир тилнинг ҳам оти бор. Тилнинг оти миллатнинг номидир. Шунинг учун ҳам «миллатимиз ўзбек, тилимиз ўзбек тили», — деди ёзувчи Абдуқаҳор Иброҳимов «Туркистон-пресс» муҳбирига.

Адибнинг таъкидлашича, тил-миллат вақилларини мустаҳкам бирлаштирувчи, тўтиб турувчи белбоғ демак, бу рамзий белбоғнинг кучи қудратли сизу бизларнинг она тилимизга муносабатимизга боғлиқдир.

Анжуманда филология фанлари доктори Тўра Мирзаев «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни ҳаётга жорий этишни бориши ҳақида сўзлаб, ўтган йиллар мобайнида ўзбек тилининг мавқеи ошганлиги, шу билан бирга муаммолар ҳам борлигини айтди. Барча ташкилотларда ҳам давлат тилига бир хил эътибор берилмаяпти. Айрим идоралар ҳанузгача давлат тилида иш юритишга ўтмаганлигини таъкидлади.

Маълумки, 2005 йилга бориб, юртимизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси тўлиқ жорий этилади. Ҳозир бу алифбо босқинчилик ҳаётга татбиқ этилаёпти. Тадбирда сўзга чиққанлар лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтиш жараёнида келадиган муаммолар, бадий адабиётда тилнинг мақомини янада кўтариш масалалари, ўзбек тили этимология лугатини тузиш борасида ўзларнинг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

«Туркистон-пресс»



Риштон тумани марказида яна бир янги иншоот бунёд этилди. Туман молия бўлими биносининг тез ва соз қурилишида Қўқондаги «Геокон-К» хусусий фирмаси қурувчилари жонбозлик кўрсатишди. Барча қулайликларга эга замонавий жиҳозланган бино айни пайтда туман молиячилари хизматида.



Болтабоев фазхрийлар билан доимо мулоқотда. 2. Янги бинонинг умумий кўриниши.

**Суратларда: 1. Туман молия бўлими бошлиғи Нишонбой**

**Б. ҲАМРОҚУЛОВ**  
олган суратлар.

**Қандай яшамокда қишлоқда деҳқон?**

**БЕШ МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ**

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА**

Шаҳрисабз туманидаги «Ўзбекистон ширкат ҳўжалигининг Сарой кишлоғида яшовчи 72 ёшли Тўхта Шўқуров 8 нафар фарзанди, бир этак набиралари даврасида бахтли ҳаёт кечирмоқда. Пируба давлат отахон иш фаолиятини кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга бағишлади. Аммо турғунлик давридаги «пахта иши» воқеалари Тўхта Шўқуровлар хонадонини ҳам четлаб ўтмади.

Истиқлол берган имкониятнинг қадрига етишимиз керак, — дейди отахон. — Эҳ, қандай даврларни кўрмади бу бош. Бир неча йил пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилдим. Эрта тондан шом қоронгусигача даладан бери келмасдик. Лекин энг алаам қиладигани эркимиз ўзимизда эмасди. Ҳатто ўзимиз етиштирган пахта тери олиш учун ҳам «юқори»нинг кўрсатмаси керак эди. Мактаб ўқувчиси эртадан кечгача далада бўлиб, ўқишлари қолиб кетарди. Ура-ура билан бошланган пахта мавсуми азоб билан ўтарди.

«Пахта иши» кўпгина мутахассисларимиз бошига тушган офат бўлди. Мен ҳам уч йил азият кечдим. Лекин қайси «ғуноҳим» учун, ҳали-ҳали ақлим етмади.

Яхшиям, Истиқлол бор экан, кўрагимизга ҳам шамол тегди. Одамлар эркин нафас ола бошлашди. Мен ҳам оила аъзоларим билан 10 гектар ер олиб, пудрат асосида иш юритаяпман. Ўтган йили ҳар гектар ердан 47 центнердан пахта етиштирдик. Меҳнатга муносабат ўзгарди.

ралар учун старт чизиги, холос, — дейди ҳўжалик бошқаруви раиси Азамат Боймуродов. — Нимаки қилмайлик, биринчи навбатда ишчиларимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, ижтимоий ҳимоялаш туради.

Ҳўжалик деҳқонлари ўтган йилда эришган ютуқлари орасида бизни қувонтирган воқеа шу бўлдики, Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари ўртасида сувдан оқилона фойдаланиш бўйича ўтказилган кўрик-танловда иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади ва 5 минг АҚШ доллари ҳажмидаги мукофотни қўлга киритди. Мукофот пулининг асосий қисмини аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратдилар. Шунингдек, ҳўжаликда иқтисодиётни мустаҳкамлаш учун қўшимча имкониятлар изланмоқда. Айни пайтда ҳўжалик худудида 40 гектар теракзорлар барпо этилган. Ёғочбоп бўлганлари кесилиб, аҳолига имтиёзли нархларда сотилмоқда.

Бу йил деҳқонларни катта даромад кутмоқда. Галла ишлаб чиқариш 113 фоизга, пилла 108 фоизга бажарилди. Йил охирида етиштирилган маҳсулотлардан келаётган соф фойда 20 миллион сўмдан ошиб кетиши кутилмоқда. Бу эса фаровонлик мезонидир.

**Шавкат СУЛТОН,**  
«Ишонч» муҳбири.

**АДАБИЙ ГУРУНГ**

Андижонда Чўлпон номидаги хайрия жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Унинг эзгу ишларидан бири шуки, вилоят миқёсида ёш ижодкорларни тарбиялаш, уларга кўмак бериш мақсадида адабий гурунги ташкил этилган.

Чўлпон боғида уюштирилган бу гурунгларида Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф сингари таниқли ижодкорлар ҳам иштирок этиб, ёшларнинг ижоди билан танишишган, гурунги фаолиятини юқори баҳолашган. Ижодкорларнинг навбатдаги йигинида Андижон Давлат тиллари педагогика институти профессори, филология фанлари доктори Фатхиддин Исҳоқов бугунги ўзбек шеърини ҳақида сўзлаб, ёш каламкашларнинг ижод намуналарини чуқур таҳлил қилиб берди.

**М. АБДУКАРИМОВ.**

**Давлат солиқ идораларида**

**ПУЛ ТУШУМИ ҚАНЧА?**

Яқинда Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси махсус гуруҳи фуқаро А. Норбўтаевнинг шикоят аризаси асосида Челақ туман деҳқон бозорида кунлик патта пули тушумини текшириш бўйича рейд ўтказди. Бозор маъмурияти бир кунлик ҳисоб-китоб бўйича 54 минг 182 сўм миқдоридан патта пули йиққан эди. Лекин беш кундан кейин ўтказилган текширувда эса патта пули йиғими 99 минг 288 сўмни ташкил этди. Яъни, вилоят солиқ идораси махсус гуруҳининг саъй-ҳаракати туфайли 45 минг 106 сўм кўп патта пули олишига эришилган. Бундай фарқнинг сабаби нимадир? Ана шу саволга жавоб топиш учун текшириш ҳужжатлари вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан вилоят прокуратурасига топширилди.

**УМИДИ ПУЧГА ЧИКДИ**

Каттакўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси ҳодимлари Хоразм вилоятдан Наманганга томон олиб бораётган юк машинасини тўхтатиб текширилганда, қиймати 567,5 минг сўмлик миқдорда бўлган 2270 қўти «PINE» сигарета-

си акциз маркаси олиб кетилаётганлиги аниқланди. Товар эгаси Муҳаммад Исмоилова эса бу ҳолатнинг сабабини тушунтириб бера олмади. Натижада сигареталар мусодара қилиниб, М. Исмоилова устидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси II қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

**НАВБАТЧИНИНГ ХУШЎРЛИГИ**

Каттакўрғон шаҳар Давлат солиқ инспекциясида навбатчилик вазифасини ўтаётган Шароф Рўзиев тўсатдан телефонларининг ишламай қолганлигини пайқайди. Рақия орқали бошқа ходимларни огоҳлантириб, инспекцияга тегишли кабелларни текширишга киришди. Кўрдик, номъалум шахс кабелларни қирқиб, ўраб оляпти. У навбатчини кўргач, қоча бошлади. Жиноятчи совуқ қурол билан қуролланган экан. Лекин Ш. Рўзиев уни қувиб етиб, қуролсизлантирди ва шаҳар ички ишлар бошқармасига топширди.

Аниқланишича, ушбу шахс хавфли жиноятчи бўлиб, муқаддам икки марта судланган экан. Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси Шароф Рўзиев қўрсатган хушўрлиги ва мардлиги учун шаҳар ички ишлар бошқармасидан миннатдорчилик мактуби олди.

**М. НУРМАТОВ,**  
Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси матбуот котиби.

**ИШЧИЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР**

Марғилон темирйўллари зиммаларидаги вазифаларни муваффақиятли адо этмоқдалар. Йилнинг ўтган даврида юк ташиш-тушириш режа топшириғи мuddатидан илгари 111 фоизга бажарилгани бунинг далилидир. Режага қўшимча 300 минг тонна ҳўжалик юклари белгиланган манзилларга ўз вақтида элиб берилди.

Кейинги йилларда юк ортшиш ва туширишнинг бир қанча янги усуллари кенг жорий этилиши туфайли корхонада вагонлардан фойдаланиш самардорлиги икки ярим бараварга ошди.

Шоҳбекатда илгарилари автотранспортнинг эҳтиёт қисмлари алоҳида вагонларга ортилди. Эндиликда бунга чек қўйилди. Асосий юклар билан эҳтиёт қисмлар вагонга бирга ортилмоқда. Шу сабабли ҳар қайси корхона ва ташкилот ўз юкларини бемалол қабул қилиб оладиган бўлди. Бу қулайлик туфайли корхонада ҳар ойда 50 та вагон иқтисод қилинмоқда.

Ишчиларнинг ўртача ойлик маошлари 18-19 минг сўмни ташкил этади. Уларнинг соғлигини тиклаш ва дам олиш учун санаторий-курортларга имтиёзли йўлланмалар берилмоқда. Яқинда темирйўлчилар ва ишчи-хизматчиларга қўл хонали янги уйлар қуриб берилди.



# ШАРҚ ГАВҲАРИ

Халқимиз, миллатимиз довруғини дунёга таратган гўзал Самарқандни ана шундай номлашди. Бу бежиз эмас. У уч ярим минг йилдан бери яшаб келмоқда. Шаҳар ўзининг тақдорини билан ҳам ажралиб туради. Тўрт йилдан буён 18 октябрни Самарқанд шаҳри кунли сифатида кенг нишонлаётган. Эътиборлиси шуки, мустақиллик йилларида бу ерда кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳозирда ҳам ободонлаштириш ишлари қизғин бормоқда. Айниқса, кўрку салобатда ўхша-

ши бўлмаган Регистонда ажойиб фавворалар, хийбонлар ташкил этилди. Шаҳарда тадбиркорлик кенг ривожланмоқда. Таъкидлашларича, ҳозирги кунда бу ерда 20 мингга яқин тадбиркор фаолият юритмоқда. Шаҳар транспорти хизматини яхшилаш, туризмни ривожлантириш юзасидан ҳам катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Суратларда: кўкна ва ҳамisha навқирон Самарқанд.**

**Тоҳир НОРКУЛОВ, (ЎЗА) олган суратлар.**



## Футбол

Осиё кубоги учун Ливан ўйинларида кечатган баҳсларни кузатиш жараёнида, шубҳасиз, биз энг аввало, ўз манфаатимиз — Ўзбекистон терма жамоасига мақбул бўладиган натижалардан қувониб, аксинча ҳол юз берганда эса, чуқур мушоҳада қилаётганимиз ҳам бежиз эмас.

## БИЗГА ОСОН БЎЛМАСА ҲАМ...

Ушбу сатрлар билан билаётган чок ҳали Япония ва Ўзбекистон командалари ўртасидаги матчга старт берилмаган, табиийки, ўйин натижаси ҳам ҳали номаълум эди. Лекин биз чин юракдан юртдошларимизнинг галаба қозониши ва бу галаба кейинги даврага йўл очилиши астойдил тилаган ҳолда муқаддам ўтказилган учрашувлар тахлилига берилган эдик. Дарҳақиқат, худди шу йил ёзда Европа чемпионатида содир бўлган каби Осиё кубоги турнирида ҳам талай кутимлаган натижалар кайд этилмоқдаки, буни шарҳлаш учун муайян фурсат талаб қиладиган кўринади. Босис, ахир ким уйлабди, дейсиз, «В» гуруҳида иштирок этаётган Жанубий Курия Кувайт терма жамоасига 0:1 ҳисобида мағлуб бўлишгани. Биз бехудага тўқсон дақиқа мобайнида дарвозага бир тўп киритилганлигига эътиборингизни жалб қилаётганимиз йўқ. Кимсан, Жаҳон чемпионатида катнашган команда учун шунча вақт ичида жавоб тўпини киритиш шунчалик қийин эканми?!


Айни вақтда аввалги учрашууда Жанубий Курия билан 2:2 ҳисобида дуранга эришиб, кейинги ўйинда Индонезия дарвозасини тўрт марта ишғол қилган хитойликларни чорак финалга йўланма олганликлари билан табриклаш мумкин. Шундай бахтга «А» гуруҳи вақиллари бўлиши Эрон ва Ироқ футболчилари ҳам муддатидан аввал эришдилар. Бугун бизни бир савол қийнамоқда. Ўзбекистон терма жамоаси ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олarmi? Биз «ҳа» деган жавоб олишни жуда жуда истардик. Бу ёғи футболчиларимизга ҳавола, лекин инерф юзасидан айтадиган улар бунга чиндан қодирдилар.

## Тоғ талабгорлари

# РУБИНШТЕЙН

Шахматчи Рубинштейннинг ёрқин портретини Р.Рети шундай тасвирлаган: «Рубинштейн ўз вази-фаси қарига танҳо ва чуқур шўнғиб, қийинчиликларни енгувчи жангчидир... У ҳеч қачон кўриниб турган юриш билан қаноатланмайди ва позициявий идрок этиш даражасига мос ягона юришни топмагунча ўз тафаккурини ишлаганга мажбур қилади. У шахматчилар орасида буюк санъаткордир. Шлехтернинг партияларида ҳамма нарса шўх рақс мисоли жозибали жилваланиб турса, Ласкерникида кураш драматизми томошабинларни ўзига тортади. Рубинштейнникида эса ҳамма нарса тиниқ, осойишта, партиянинг тузилишида ҳар бир юриш ўз жойида... Унинг партиялари бирорта гиштини жилдириб бўлмайди, улар бинододек таассурот қолдиради». Рубинштейн замонасига ҳамоҳанг, лекин тақомилига етган тенги йўқ услубга эга эди. Бу Стейниц гоъларининг теранлиги, Таррашнинг логикаси, Пильсбернинг ҳужумкорлигининг бирикүвидир.

Партия охириларини ўйнашдаги нафис техника машҳур «Рубинштейнча» руҳли эндшпиллар ҳозиргача бундай ўйин охириларини талқин қилиш намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. «Рубинштейн минг йил бурун худолар бошлаб берган шахмат партиясининг идрок этиш даражасига мос эди С.Тартаковер. Рубинштейн — шахмат тоғи учун бўладиган матчга муносиб номзод эканлигига шубҳа қилмаганди. Унинг тақлифини қабул қилган Ласкернинг ўзи ҳам шундай фикрда бўлиб, жаҳон чемпиони Рубинштейн ижодини юқори баҳолаб ва шахмат тафаккурининг ривожланиш тарихида унга марказий ўринлардан бирини берарди. «Фараз қила оламаник — деб ёзган эди Ласкер, — ёшлар менинг ёзганларим билан ҳисоблашадилар ёки жуда танқидий тарзда бўлса, менинг анализларимни қабул қиладилар. Лекин ўйинларида Акиба Рубинштейн улар учун намунали хизматини ўтайди». Уларнинг матчи 1914 йилнинг кузида бўлиши керак эди. Аммо бу орада биринчи жаҳон уруши бошланди. Бу унвон Капабланкага ўтгач, Рубинштейн жаҳон чемпионлиги учун матч ўйнашга яна бир бор уриниб кўрди. Лекин моддий томонини таъминлай олмади. Унинг ҳисобида Боголюбов, Маршалл, Мизес, Тетхмон, Шлехтер сингари жангчилар устидан эришилган галабалар бор эди. Шахмат олами урушдан кейинги йилларда яна кўп марта бу зўр гроссмейстернинг муваффақиятли ўйин-



## Мамажон МУХИТДИНОВ

лари шохиди бўлган. Лекин энг яхши сониялар ортда қолганди. Бунинг устига оғир хасталик кучайиб борарди.

30-йилларнинг бошида у шахмат майдонини тарк этди. Бироқ, Рубинштейннинг ижоди ҳамон шахмат оламиди ҳаяжонга солишда давом этаверади. Партиянинг барча босқичларидаги унинг чуқур концепциялари, оригинал дебют гоълари жозибдорлигини сақлабгина қолмай, балки йил сайин шахмат сирларини ўрганиш учун тобора кўпроқ имконият бермоқда. «Чуқур режаларни Рубинштейнча юришларнинг оддий қобилига ўраш мумкинлигига ишониш қийин», — деб ёзган эди А.Нимцович. — Лекин ҳар қалай бу мумкин экан!»

1961 йилнинг 14 мартида Рубинштейн оламдан ўтди. Рубинштейн бошловчи эмас, яқунловчи эди. Замонасининг услубини қабул қилиб олар экан, бу толмас ижодкор уни энг юксак маҳорат ва тақомил даражасига етказди.

**МАРОҚЛИ МАШҚЛАР**  
Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб, тўрт юришда мот қилади.

## 2000 йил — Соғлом авлод йили МАРЯМ ОПАНИНГ 12 МИНГ БОЛАСИ

Сурхондарёда ҳамма уни танийди, ҳурмат қилади. Бу бежиз эмас. Чунки у маънавий она-симан, деб билгани 12 минг боланинг ҳар бири бошига кўяди, фахрланади. Уларнинг юртимиз мустақиллигига қўшаётган улугвор ишларини кўриб, дилдан қувонади, шундай мард, баҳодир, ақли расо фарзандлари борлигига шукроналар айтади.

Мақтабни аъло баҳолаб тугатган Марям, «мен врач бўламан», дейиши, тўғриси, ота-онасига бироз эриш туолди.

— Қиз бола палахмоннинг тоши. Ундан кўра, келин бўлгунингга қадар ота-онанинг хизматини қил, — дейиши қариндошлар ҳам.

Марям ўйлаб қолди. Охири шундай қарорга келди: «Одамларнинг оғирини енгил қилсам, бунинг нимаси ёмон? Қайтага ота-онанинг боши осмонга етмайми?» Шундай қилиб, у 1972 йили Самарқанд тиббиёт институтига ўқишга кирди.

Билим олишнинг машаққатлари кўп экан. Айниқса, Марям таълим олаётган даволаш куллиётида. Бунинг устига дарслар асосан рус ва лотин тилларида олиб бориларди. Мутолаа билан бўлиб гоҳо оппоқ тонг отганини билмас, уйку аралаш кўзлари билан аудиторияга ҳаммадан олдин кириб борарди, шунда курсдошлари «Марям, кечаси ҳам институтда ухлайсанми», деб кулгига олишарди.

1978 йили Термиз шаҳридаги вилоят туғруқхонасида интнатурадан фаолиятини бошлаган Марямга устозлари Исом Зоҳидов, Зоя Расулийдан олган сабоқлари асқотди. Ундаги шифокорликка бўлган ҳавасни, интилишни кўрган тажрибали врачлар Анна Петрова, Элмира Исмоилова, Панила Валиева, Турдиқол Қурбонвалар акушер-гинекологга хос фазилатлардан уни воқиф қилишди.

Кейинчалик Марям Қобулова Жарқўрғон туман марказий шифохонасининг туғруқхона мажмуида «оддий врачликдан бошлиқ даражасигага бўлган йўлни босиб ўтди. Йигирма бир йил ичида Марям опа ўн минг нафардан ортиқ фарзанднинг «онаси» бўлди.

— Марям опа худди туққан онамдай кўзимга иссиқ кўринади, — дейди А. Холмирзаева. — Фарзандларимнинг барчасига ўзи доялик қилди. Айниқса, 3 нафар эгизак фарзандларим туғилганда ёнимдан жилмадилар. Илоҳим, доктор опамизнинг қўллари дард кўрмасин.

Марям опа она бўлиш орзусида келган аёлларни, аввало, ўзи қабул қилади. У ийманиб турган бўлажак оналарга шундай йўл-йўриқлар, кўрсатмалар берадики, унинг қабулидан келинчақлар қуш мисоли учиб чиқади.

— Қани кўларингизни бандан кўтариб, нигоҳингизни бир нуқтага қаданг. Орқа томирларингизда толиқши сезаяпсизми? — дейди Марям опа келинчақка.

Ҳалиги келинчақ секингина «ҳа» деди.

Марям опа аёлга юзланиб. — Ҳеч хавотирланманг. Насиб этса, ўғилли бўласиз, — деб уни қувонтиради. — Эрталаб новвот чой ичинг. Ҳозир айни пишиқчилик, турли мевалардан енг.

Келинчақ қандай дори-дармонлар олай деганди, Марям опа койиб берди.

— Ҳеч қанақа. Марям Қобулова ўз ишининг билимдони. Айтишларича, у бир кечада 21 нафар аёлга моҳирона доялик қилган экан. Марям опадаги сабрбардошга қойил қолмай иложингиз йўқ.

**РУСТАМ ДАВЛАТ.**  
«Ишонч» мухбири.

## Республика Балий академияси Кўргазмалар залида 2000 йилда давлатимизнинг мукофот ва унвонларига сазовор бўлган мусаввирлар асарлари намойиш этиляпти.

## ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

— Истиклолнинг кутлуг қадими туфайли бугун мусаввирлар кадр топди, — деди Ўзбекистон халқ рассомси унвонига сазовор бўлган Ж.Изентов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Кейинги йилларда ижодкорларга алоҳида эътибор қўриштирилганлиги, халқ орасида ўз асарлари билан танилган мусаввирларимизнинг Президентимиз Фармони билан мукофот ва фахрий унвонларига сазовор бўлганлиги бунинг ёрқин исботидир. Бу эса мамлакатимизда санъатнинг ривожланишига улкан ҳисса қўйиши шубҳасиз.

Кўргазмалар залидан 2000 йилда мукофотларга сазовор бўлган 18 нафар мусаввирнинг 200 тадан ортиқ энг яхши асарлари ўрин олди. Ж.Изентовнинг «Осойишта ҳаёт», Собир Раҳматовнинг «Сурхон бобо», Муборак Йўлдошевнинг «Қадимий Турон бешиги» асарлари бор. Улар халқ руҳиятининг ифодаси сифатида томошабинда чуқур таассурот қолдиради.

«Меҳнат шухрати» орденига сазовор бўлган Анвар Раҳматуллоевнинг Амир Темури, Алпомини, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа хайкаллари кичик эскизлари кўргазмадан ўрин эгаллаган. Ушбу эскизлар асосида тайёрланган хайкаллар бугунги кунда Тошкент, Термиз ва Навоий каби мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари кўрмига айланган.

Шунингдек, «Буюк хизматлари учун», «Дўстлик», «Шуҳрат» ва бошқа кўпбал давлатимиз мукофотларига сазовор бўлган мусаввирларнинг Ватан манзаралари, халқ орзу-умиди ва гўзаллик эса этган асарларининг ҳар бирда ижодкорнинг Ватанга бўлган муҳаббати яққол бўртиб туради.

## БЕБАҲО МЕРОС

Тошкент Давлат юридик институтининг Республика Мазнавият ва маърифат Кенгаши «Хуқуқий маърифат тарғиботи» маркази билан ҳамкорликда «Бурҳониддин ал-Марғиноний маънавий меросининг ахамияти» мавзусидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман буюк бобокалонимиз таваллудининг 910 йиллигига бағишланди.

Анжуманда сўзга чиққан Тошкент Давлат юридик институти ректори, юридик фанлари доктори Ҳ.Бобоев «Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг илмий мероси», Шарқшунослик институти катта илмий ходими О.Қориев «Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳаёти ва фаолияти», Тошкент Давлат Ислам университети ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди А.Журжоний «Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг хуқуқий мероси», Яққарой тумани судининг раиси, юридик фанлари номзоди М.Ражабова «Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларида қозиларга қўйилган талаблар» мавзусида маъруза қилдилар.

**Феруза САЙДАМОВА.**

**ISHONCH**  
Муассис:  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Таҳрир хайъати:  
Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (Бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий аҳдиди 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.  
«Шарқ» нашрийёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топширилган вақти - 21.00  
Топширилди 23.35